



Чоршанба

# Маҳалла

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри Чоршанба кунлари чиқади

2

Қиморхона хонумонимиз заволи

Оқмачитнинг омилкор раиси

3

Мактубингизга муштоқимиз, муштарыи

Гўзал табиатли Собнинг муаммоси

4

Тандир сомсанинг зўри қаерда?

Самарқанд йўлидаги Туни йироқ

## Пахтаободда дўстлик форуми

Пахтаобод туманида Республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Ўзбекистонда яшовчи турли миллат аёллари ва ёшлари жиноятчилик, терроризм ва гўбандликка қарши» шiori остида «Шу азиз Ватан барчамизники» деб номланган дўстлик форуми бўлиб ўтди.


Туман ҳокими Шухратбек Абдурахмонов форумни очар экан, Пахтаободда ўн тўрт миллат ва элат вакиллари бир жону бир тан бўлиб менат қилаётганлиги аҳолида тўхталиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин қизлар кўмитаси раиси Светлана Иномова ва вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмоновлар дўстлик форуми қатнашчиларини қизгин табриқлаб, миллатлар ҳамжихатлигини таъминлаш давлат сийсатининг устувор мақсадларидан бири эканини таъкидладилар.

Ўртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган турли миллат вакиллари билан иборат бир гуруҳ илгор хотин-қизларга Республика Хотин-қизлар кўмитасининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари топширилди. Форумга тайёргарлик жараёнида тумандаги касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида «Гўбандлик — аср вабоси» мавзусида иншоолар ва суратлар танлови ўтказилган эди. Унинг ғолиблари Республика Ички ишлар вазирлигининг совғалари билан тақдирланди.

Дўстлик форумида турли миллатларнинг миллий кўшик ва рақслари ижро этилди. Гўбандликка қарши саҳна кўринишлари ёшларни янада серграқоб бўлишга чакирди.

Ўзқўбғ САҚОНБОВ,  
«Mahalla» мухбири.

## Яхши ният, дуоларда ўтиб бор!



Оила қураётган ёшларни кайвониларимиз «Илоё, қўшгани билан қўша қаришсин» деб дуо қилишади.

Кимнингдир хаёлига «Бу навқирон, яна бахт нашидасидан сармаст ёшларга шу тобда кесаликни эслатиш ўрин-лимикин? Ахир улар кесайғунча ҳали қанча қувончи дақларни кўрадилар-ку...» деган гап келиши эҳтимол. Бироқ кўп йиллар умргузаронлик қилиб, қўша қариган нурунларимизнинг таъкидлашларича, ёшликнинг завқ-шавқли онларига нистабан кесаликдаги ўзаро мейх-оқибат инсон ҳаётига кўпроқ мазмун-маъно киритар экан. Масалан, ана шундай пиру бадавлат отахон онахонларимиздан бўлган Янгийўл туманининг Навбахор қишлоғида яшовчи Саломат ая ва Мирза ота Омоновларнинг бу борадаги фикрлари шундай:

— Қўша қаришда ҳикмат жуда кўп, — дейди Мирза ота. — Кесалар бекорга ёшларни шундай дуо қилишмайди, чунки қўша қаришнинг бахтини ҳам, қариандаги жудаликнинг захрини ҳам улар яхши билдилар-да. Бу сўзлар, билсангиз, яхши ният, дуоғина эмас, балки насиҳат, ўғит ҳамдир. Бугунгидек дорилмон кунларда яшаб, бу кунларнинг қадрига етмаслик, оила кўргонини мустаҳкам сақлашнинг гуноҳга тенг. Мана, Юртбошимиз ёш оилаларни қувватлаш мақсадида махсус Фармонни имзоладилар. Бу ғамфурлик ёшларга ҳам моддий, ҳам маънавий маъна бўлади. Илоё, ёшларимиз, умуман Ўзбекистонимиздаги жумла эр-хотинлар бизга ўхшаб қўша қариб, фарзандларининг роҳатини кўришсин!..

СУРАТДА: 63 йил ҳамжихатликда умр кечириб, бугунги кунда уч ўғил уч қизнинг, 76 нафар невароу чевараларининг ардоғидаги Саломат ая ва Мирза ота.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

### Ўзбекистон — Россия: ИШБИЛАРМОНЛАР ИСТИҚБОЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

#### 36 йилга мўлжалланган ҳамкорлик лойиҳаси ҳар икки мамлакат учун катта манфаат келтиради

2005 йилнинг ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин томонидан имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳар икки давлат ўртасида ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун муҳим омил бўлди. Яқинда россиялик бир гуруҳ саноatchилардан иборат делегация мамлакатимизга ташриф буюриб, нефть-газ саноати бўйича йирик инвестицион лойиҳа доирасида Қашқадарёда амалга ошириладиган ишлар билан танишди. Делегация аъзолари нефть-газ соҳасини ривожлантириш ва кенг қўламли ҳамкорлик ишларини олиб бориш учун қўлай имкониятлар мавжудлигини эътироф этдилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган нефть ва газнинг асосий қисmini етиштириб бераётган вилоятнинг бу соҳа тараққийотидаги салоҳияти ва имконияти катта. Президентимиз ибораси билан айтганда, ҳеч бир мамлакат ўз манфаатларини қўзғалмасдан бошқа бир давлатга инвестиция киритмайди. Зеро, хорж ҳамкорлик алоқаларини тақлиф қилиб олишнинг қандайдиган кўп ва қанчалигини олиб бориш мажбуриятини олган эди. Айни пайтда иккита кондан нефть қазиб олинмоқда. Яна бир қатор газ-конденсат конларини ишга тушириш учун тайёргарлик ишлари ннҳоясига етказилляпти. Айрим конларда бургулаш ишлари шу йилнинг ўзида бошлаш

режалаштирилган. Лойиҳада конларни ўзлаштириш билан бирга улар жойлашган худудларда катта ҳажмдаги қурилиш-обдончилик ишларини амалга ошириш, янги автомобил йўллари ва темир йўл тармоғи, резервуарлар паркни барпо этиш, бир сўз билан айтганда, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳам кўзда тутилган.

Делегация аъзолари Деҳқонобод туманидаги нефть қонидга «Союзнефтегаз Восток Лимитед» компаниясига қарашли «SNG GISSAR OPERATING» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Шунингдек,

тумандаги Бибиқорасоч қишлоғида «Союзнефтегаз» компанияси томонидан оталиққа олинган 22-умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилган тантанали тадбирда иштирок этишди. Ушбу таълим даргоҳи компания ҳомийлигида тайёр эканлигини маълум қилиб, тез орада бу ердаги кон ҳамда қурилишларда асосан маҳаллий мутахассислар ишларини таъкидлади. Демак, истиқболда туманда замонавий касб-ҳунарга эга бўлган ёшлар сафи анча кенгайди.

Кўрбон ЭҒАМБЕРДИЕВ

Жума ЧОРШАНБИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати.

## ҲОМИЙЛИК ҲАРАКАТИ — КАФОЛАТЛИ ФАОЛИЯТГА АЙЛанаДИ

бу жамиятда хайрли ишларнинг янада кенг қамров касб этиши учун замин яратиши, шубҳасиз

Хабарингиз бор, яқинда Парламентнинг юқори палатаси томонидан маъқуланган «Ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Юртбошимиз Ислам Каримов томонидан имзоланди. Бу ўз навбатида хайрли ишларга иштиққманд юртимиз аҳлини беҳад қувонтирганга айни ҳақиқат. Негаки, шу кунга қадар эл-юрт манфаати йўлида эзгу амалларга қўла улаётган савобтабала инсонлар, ҳомий ташкилотлар ҳомийлик соҳасидаги муносабатларнинг тартибига солинишидан манфаатдор эдилар. Натижада ҳомийликни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг бу соҳадаги фаолиятини қонуний кафолатловчи янги ҳуқуқий асос — «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонун ажузуда келди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур Қонуннинг яратилиши 2006 йилнинг Президентимиз И.Каримов томонидан «Ҳомийлар ва шифкорлар йили», деб эълон қилиниши билан чамбар-час боғлиқ. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигида бағишланган тантанали йилгида Юртбошимиз «Кириб келаятган йилни «Ҳомийлар ва шифкорлар йили» деб эълон қилган эканмиз, биз биринчи гада ҳомийлик ҳаракати, ҳомийларнинг мавқеи ва маконини кучайтириши, бу масаланинг қонуний базасини яратишини, бундай бегараз ва олийжаноб интилишлар жамиятимизда муносиб ўрин олиши учун кенг жамоатчилик фикрини шакллантириши кўзда тутамиз», деб таъкидлаган эди.

Натижада Қонун лойиҳаси Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Қонун устида Парламент Қонунчилик палатаси-

нинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси иш олиб борди.

Қонун лойиҳаси ҳомийлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва унинг маконини белгилаш, ҳомийлик ташкилотларини ташкил этиш, давлат ҳокимияти, бошқарув органлари томонидан уни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириши таъминловчи зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитларни ҳамда иқтисодий ва молжийвий механизмларини яратишга қаратилган эди.

Мазкур Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кўмиталарида, уларнинг қошида ташкил этилган экспертлар иштирокидаги йилги ишларда, шунингдек, барча сийёсий партияларнинг фракцияларида давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳуқуқшунослар, мутахассис-

лар, олимлар ўртасида кенг муҳокама қилиниб, уларнинг тақлиф ва мулоҳазалари асосида тақомиллаштирилди.

Қонунни қабул қилиш жараёнида 10 дан ортиқ, хусусан, Россия Германия, Қозғоғистон, Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Нидерландия, Португалия, Франция каби хорижий давлатларнинг ҳомийлик тўғрисидаги қонунлари ўрганиб чиқилди. Натижада маълум бўлдики, ақсарият давлатларнинг қонунларида ҳомийлик ташкилотларида бериладиган имтиёзлар умумий бўлиб, ҳеч бирида алоҳида имтиёз белгиланмаган. Мамлакатимизда эса олиб борилаётган илохотларнинг асосий ва муҳим йўналишларидан бирини аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ташкил этгани боис, ҳомийлик ва хайр-саховат ишларига Фуқаролик, Боғи-дору ва Солиқ кодексларида белгиланган ваколатлар доирасида, шунингдек, Республикаимиз Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида имтиёзлар белгиланган. Бинобарин, имтиёзларнинг қўлайлиги ва қамқайиши мамлакат иқтисодининг салмоғига боғлиқ. Иқтисод ўзгариб турганда, аммо қонунлар тез-тез ўзгариши мумкин эмас, балки ривожлантирилиши лозим. Шу боис мазкур норма бўйича қонун моддасини шакллантиришда ҳомийликнинг ихтиёрийлик ва бегаразлик тамойили асос қилиб олинди ва Қонуннинг 15-моддасида мазмун жиҳатдан кенг қамровли, ҳам жиҳатдан лўнда қилиб: «Ҳомийлик субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар бериледи», деб ёзилди.

Давоми 2-саҳифага

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сийсатининг асослари тўғрисида»ги қонун, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ва ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишда уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизми ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва манший шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. Қуйидагилар жойлардаги давлат ҳокимияти ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавий тарбиёт маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Оила» маркази, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг энг муҳим вазифаси ҳисоблансин:

республикаимизнинг ҳар бир худудида янги иш ўринлари очиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароит яратиш;

ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй-ҳўжалигини йўлга қўйишда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ёш оилаларга амалий ёрдам бериш, уларга сифатли таълим, тиббий, ҳуқуқий, ахборот, маслаҳат ва бошқа жумладан болалар соғлигини сақлаш ва тарбиялашни таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш;

ёш оилаларни маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларда ўзи қурган янги оила учун гурув ва масъулият ҳиссини, ота-онага, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром, меҳнат қилиш ва халқимизнинг боқий маънавий кадриятлари руҳида бола тарбиялашга интилиш туйғуларини шакллантириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга, шу жумладан никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш.

2. Тижорат банклари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида қуйидаги мақсадлар учун 2007 йилда 50,0 миллиард сўм ажратиш тўғрисидаги тақлифи маъқулансин:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш;

уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш (ижарага олиш);

уй-ҳўжалигини йўлга қўйиш;

мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш.

Тижорат банклари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига ёш оилаларга кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун 2007 йилга мўлжалланган ҳажмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча кредит маблағларини излаб топиш ва ажратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган тақлифлари ҳар йили Вазирлар Маҳкамасига киритиш тавсия этилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, қонунчиликка мувофиқ, мазкур Фармон татбиқ этиладиган ёш оила тоифасига, ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар қиради.

4. Белгилансинки, жисмоний шахслар — ёш оила аъзоларининг солиққа тортилмаган даромадларига қуйидаги даромадлари кирмайди:

солиққа тортилмаган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси;

ҳўжалик субъекти — иш беврувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағ.

Сотиб олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) қондан бошлаб беш йил ичида ушбу мол-мулк сотилса, мазкур бандда қўрсатилган даромадлар белгиланган тартибда жисмоний шахслар даромадларига солиналмаган солиққа тортиледи.

5. Ҳўжалик субъектларига даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиққа тортилмаган базани ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текин берилган маблағлар суммасига тенг ҳажмда, аммо солиққа тортилмаган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда, қамайтириш ҳуқуқи берилсин.

Давоми 2-саҳифага



— Яна нима дейсиз?  
— Набирани уйлал қилинг, ёш оилаларга имтиёзлар бисёр бўлди...



Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Телефонлар:  
Қабулхона — 136-53-93  
Тел./Факс: — 133-44-25

Хомий:  
«Матбуот тарқатуви» ҳиссдорлик жамияти

Масъул котиб: 136-53-75  
Хатлар бўлими: 136-57-62

«Н.Я.» — белгиси остида реклама-тижорат мақоаллари бериледи.

Муассасалар:  
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви,  
«Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарыи! «Mahalla»га 2007 йилнинг колган мугғамти учун обуна давом этмокда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинашган кўра эртанги кун учун кайғурган афзал.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда мазкур Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.
7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Давлат мулки кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси билан биргаликда:
2007 йил 1 сентябргача давлат тасарруфидан бўлган вақтинча фойдаланилмаётган ётқоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни улардаги маиший шартлорларнинг ёш оилалар яшаши учун мос келиши нуқтаи назаридан инвентаризация қилсин;
2007-2008 йиллар давомида Нукус шаҳрида, ҳар бир вилоят маркази ва Тошкент шаҳрида фойдаланилмаётган ётқоқхоналар, уй-жойлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналар негизинда оилавий ётқоқхоналар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда ижарага бериладиган квартиралар ташкил этсин.
Белгилаб қўйилсинки, мазкур бандга мувофиқ ёш оилаларга бериладиган уй-жойни таъмирлашни молиялаш ҳамда уни зарур санитария-маиший асбоблар билан жиҳозлаш тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми курсаткичаларининг ошириб бажарилган суммаси ҳамда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурини амалга ошириш доирасида жалб қили-

наётган хомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ва Давлат мулки кўмитаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётқоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.
8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 18 май

Янги қонун кучга кирди
ҲОМИЙЛИК ҲАРАКАТИ — КАФОЛАТЛИ ФАОЛИЯТГА АЙЛАНДИ

Бу эса жамиятда хайрли ишларнинг янада кенг қамров қасб этиши учун замин яратиши, шубҳасиз

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)
Қонуннинг 4-моддасида хомийликнинг мақсади белгиланиб, унга мувофиқ хомийлик фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий аҳолини яхшилаш, ўз жисмоний ва интеллектуал хусусиятларини, бошқа ҳолатлар сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ишчилар, ноғиронлар ва бошқа шахсларни реабилитация қилиш, халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни, оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадларни кўзда тутади.
Қонунда тижорат ташкилотлари, сиёсий партия ва ҳаракатларга пул маблағлари ҳамда бошқа моддий маблағлар бериш, ўзга шаклда ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш хомийлик ҳисобнамаслиги, шунингдек, сайловолди ташвиқоти ва референдумга қўйилган масалалар буйича ташвиқот мақсадида хомийлик қилиш, қонунларга зид бўлган ҳар қандай фаолиятни хомийлик воситасида қўллаб-қувватлаш тақиқланиши белгилаб


қўйилди. Хомийларга хомийликни юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрий равишда ва ҳонеликсиз, яқна тартибда ёки бирлашиб, хомийлик ташкилотини ташкил этган ёки этмаган ҳолда амалга ошириш, ўз хомийлик хайрияларидан фойдаланиш мақсадлари ва тартибини белгилаш ҳуқуқи берилди. Бунда, биринчидан, хомийлик маблағларини қай тарзда бериш юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний ҳуқуқидир. Иккинчидан, хомийлик фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниб, хомийлик маблағларини мақсадли йўналтириш орқали молиявий жиҳатдан катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш ҳамда учинчидан, халқроқ ташкилотларнинг хомийлик маблағларидан ҳам мақсадли фойдаланишни ташкил қилиш ва ниҳоят, хомийлик фаолиятини халқроқ тобора олиб чиқиш мумкин. Бундай ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, мол-мулки, уни шакллантиришни манбалари ва ундан фойдаланиш, хомийлик дастури, хомийлик ташкилотини қайта ташкил этиш ва туғатиш ҳақидаги нормалар қонуннинг иккинчи бобига батафсил ёритилган.
Шу ўринда "Хомийлик тўғрисида"ги Қонуннинг аҳамияти ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтайлик. Авваламбор, мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламенти фаолияти даврида қабул қилинган билан аҳамияти. Мамлакатимиз Президентини мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ "Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йили" номи билан китобида "Бозор механизмларини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи керак. Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонпарвар, адолатли ҳисобланади. Давлат кишиларга, айниқса, ёрдамга муҳтож бўлганларга, ижтимоий ҳимоя қатламларига, етимлар, болалар, ўқувчилар, нафақахўрлар ва ноғиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиши керак", деб таъкидлаб ўтган эди. Ушбу ҳаётий талабнинг амалдаги самарасини бугунги кунимиз мисолида кўриб турибмиз. Ўз навбатида "Хомийлик тўғрисида"ги янги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам энг аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ислохотларнинг ҳуқуқий асоси, қолаверса, юрtdошларимизнинг хайрли ишларини қўллаб-қувватловчи мустаҳкам қонуний база сифатида катта аҳамиятга эга бўлди.

Ер эгасининг ютуғи

ДОНГА ТЎЛГАН БОШОҚЛАР

галлакорларнинг баракали меҳнатидан дарак бериб турибди

Жорий йилда ҳам вилоятда галла ҳосилининг мўл-кўл бўлиши, буғун-эрта хормонлар донга тўлиши кутимокда. Ҳар йил давлатга дон сотиш шартномаси режасини вилоятда биринчилардан бўлиб бажарилган қоровулбозорлик галлакор-фермерлар бу йил ҳам анганавий пешқадамликни кўздан бермасликка ҳаракат қилишяпти.
Қоровулбозор вилоятнинг жанубий-шарқий қисмидаги чўл ҳудудда жойлашган туман бўлгани боис бу ерда об-ҳаво бироз иссиқроқ бўлади. Шу сабабдан дала-деҳқончилик ишларига анча эртароқ киришилади. Яна санокли кунлардан сўнг туман галлазорларида ўрим комбайнлари иш бошлади. Ҳосилга тўлган бошоқлар эса туман галлакорларининг экинларини юқори агротехника талаблари асосида парвариш қилганлигидан далолат бериб турибди.



Жорий йил иш унумдорлигида жуда асқотди.

Хамрози АЛИ, "Mahalla" мухбири. СУРАТДА: "Жума Кувон" фермер хўжалиги раҳбари Қ.Жумаев галлазорда.

Бухоро вилояти

— Бу йилги режаларимиз янада салмоқлироқ, — дейди фермер Қувондик Жумаев. — Ҳосилнинг чўгидан кўнглим тўқ. Микрокредит банкнинг туманимиздаги минибанки томонидан ажратилган 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига техника воситаларимиз учун зарур эҳтиёт қисмлар сотиб олганимиз

СИҲАТГОҲ ЯНГИ ҚИЁФАДА

Фаргона туманидаги адирикларга туташ сўлим гўша — Чимён қишлоғида жойлашган Болаларни соғломлаштириш сиҳатгоҳи маркази тубдан қайта ташкил этилди. Бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида кенг ва шинам хоналар, ётқоқхона биноси кўркам қиёфа касб этди.
— Марказда нутқидош таянч ҳаракати аъзолари ҳамда ривожланишида нуқсонли бўлган болалар тарбияланади, — дейди мазкур марказ директори Нилюфар Солиева. — Уларнинг саломатлигини тиклаш ва таълим-тарбия олиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.



СУРАТДА: Марказ ҳамшираси Гулчеҳра Тўйчиева болаларни тиббий кўриқдан ўтказмоқда. М.КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Фарғона вилояти

Иш биланган балли

Навоий вилояти

Қизилтепа туманидаги солиқ "Деҳқонбод" ширкат хўжалиги туғатилиб, унинг идора биноси Оқмачит маҳалласи фуқаролар йиғини ихтиёрига топширилган эди. Ширкат ўрнида ташкил этилган фермер хўжалиқларида хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг бўлимлари бинонинг атиги бир қисмига хонасини банд этишди. Қолган хоналар эса анча муддат фойдаланилмай турди.

Оқмачитда иш бошлаган "НУҚТА"лар

маҳалла фуқаролар йиғинига ҳар ойда анчангина фойда келтирмакда
Йиғиннинг тиниб-тинчимас ва ташаббускор раисаси Маважуда Шарипова улардан унумли фойдаланиш тўғрисида ўйлаб бошлади ва ниҳоят, маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб, бинонинг бўш турган қисминини маҳаллий тadbirkorларга ижарага беришга қарор қилди.
Тез орада ҳуқуқий тadbirkор Салима Саъдуллаева мазкур бинодо тикувчилик цехини очди. Айни пайтда цехда 6 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. 25 нафар киши меҳнат қилаётган "Ички кийим таъминоти" ишлаб чиқариш корхонаси ҳам шу бинодан ҳой олган. Бундан ташқари, савдо дўкони, эркаклар ва аёллар саргарошонхонаси, компьютер хонаси ҳам аҳоли хизматига.
Бинонинг ижара ҳақи ҳар ойда маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳисоб рақамига тушяпти. Ушбу маблағ маҳаллада яшаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ва турли тadbirkорларни ўтказишга йўналтирилмоқда.

МУХБИРИМИЗ

Сурхондарё вилояти

\* Шеробод қишлоқларидаги ҳар бир хонадон 10-15 сотих томорқа ерига эга
\* Айини ва Хўжақия — Бўстоннинг бўстон маҳаллалари
\* Ҳакимбодга табиий газ келди

"ТОМОРҚАМ БОР — БЕЛИМ БАҚУВВАТ".

— дейди хонадонда деҳқончилик қилиб, даромад топаётган қишлоқ одамлари

Шеробод туманида 143 миң нафардан зиёд аҳоли 48 та маҳаллада истиқомат қилади. Аҳолининг асосий даромад манбаи деҳқончилик ва чорвачилик. Ҳудуддаги ҳар бир хонадон 10 сотихдан ортиқ томорқа ерига, 10-15 бошдан кўй-эчки, 2-3 бошдан қорамола эга.

Бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини тумандаги йирик қишлоқлардан бири. 2001 йилдан буён йиғинга Абдусалом Чориев раислик қилади. Қишлоқ ўраминдаги Айини ва Хўжақия маҳаллаларида умргузаронлик қилаётган аҳолининг сони 7500 нафар. Аҳолининг асосий даромад манбаи қишлоқ ҳужалиги соҳаси бўлгани боис, деҳқончилик ва богдорчиликда бўстонликларга тенг келадигани йўқ. 103 гектар майдондаги богнинг ҳосилдорлиги юқори. Бу ерда етиштирилаётган мевадан олинган даромаднинг 30-35 фоизи қишлоқни ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига йўналтирилмоқда.
Тadbirkор Абдуқарим Юсупов томорқасидаги ернинг асосий қисмини анорзорга айлантирган. Уларни парваришладан фан-техниканинг илғор тажрибаларига таяниб иш юритади. Кишдан анор новдаларини совуқдан асраш учун тупроқ остига кўмса, ёзда табиий ўғитга тўйинтиради ва керагича суғоради. Биргина ўтган йилда тadbirkор анор етиштирилган 8 миллион сўм соф фойда олди.
Бўстонлик яна бир тadbirkор Абдусалом Муҳаммадиев эса 20 сотих майдонда лимонзор барпо этган. Чўл шароитида лимон етиштириш осон иш эмас. Шу боис уни парваришлаш, ҳосил унумдорлигига эришиш

жараёни бироз қийин кечади ва кўп меҳнат талаб қилади. Иссиқхонани доимо бир хил ҳароратда сақлаш зарур. Тинимсиз меҳнатлари самараси ўлароқ А.Муҳаммадиевнинг лимон ҳосилидан олган йиллик даромади уч миллион сўмни ташкил этди.
Бўстон қишлоқи ҳаёти билан танишгач, қўшни — Работяк қишлоқ фуқаролар йиғинига йўл олдик. Қишлоқ аҳолисининг 1543 нафари ҳудуддаги 97 та фермер хўжалигида иш билан банд.
Бу ерда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқ ҳудудини янада ободонлаштириш борасида маҳалла оқсоқоллари бошчилигида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Шерхон Тўхтамишев раис этиб сайлангач, Ҳакимбод маҳалласида тўз ўзгаришлар юз берди. Қисқа вақт ичида бу ерда ўндан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиш шабоҳчалари иш бошлади. Иккита ҳаммом қурилди. Тadbirkор Тўра Раззоқов эшик ва дераза ромлари, мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш устанхонасини ташкил қилди. Турсун Холмираева эса шили оқлаш, макорон маҳсулотларини тайёрлаш цехини очди. Шунингдек, Назоқат Шердонова ва Гўлдат Тўрабоевалар раҳбарлик қилаётган тикувчилик цехида 23 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган.
Абдувоҳид Дўсанов, Гаффор Янгибековлар раислик қилаётган Янгиариқ ва Ноҳур маҳаллаларида ҳам худди шундай хайрли ишларнинг гучи бўлди. Хусусан, Амробиод даҳасидаги 159 та хўжаликка тоза имчилик сувни тармоқлари ўтказилган бўлса, Ҳакимбоддаги 210 хонадон табиий газдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Омон ШУКУРОВ, "Mahalla" мухбири.

ОРОМ-ГОҲЛАР МАВСУМГА ҲОЗИР

Ҳадемай мактабларда ўқув йили якунланиб, фарзандларимиз ёзги таътил даврида соғломлаштириш масканлари, дам олиш оромгоҳларига йўл олишади. Шу бос улларнинг кўнглини ҳордиқ қиқаришлари ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида дам олиш масканларини ёзги мавсумга тайёрлаш ишларига киришилган.
Хусусан, пойтахтимиз ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган ёзги болалар дам олиш оромгоҳлари ҳолати ҳам Тошкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бозқармаси томонидан тегишли ташкилотлар билан биргаликда ўрганиб чиқилди. Шу ўринда айтиш жоизки, бу йил ёзги таътилда пойтахт корхона ва ташкилотлари тасарруфидан бўлган 24 та оромгоҳ болажонларга хизмат кўрсатиши ҳамда уларда 42 миңдан зиёд ўғил-қизлар дам олиши кўзда тутилган.

Қашқадарё вилояти

Бугунги кунда шахмат-шашка ўйнаётганлар, кўчкор, хўроз, бедана уриштираётганлар ҳам аввал пул ёки бошқа бирон нарса тикиб, кейин мусобақалашадиган бўлиб қолишди.

Оқунбобоев номли кўча 27-уйда яшовчи Ю.Норимовларнинг ноқонуний фаолият давомида фойдаланган техника воситалари, плакат ва нақд пуллар ашёвий далил сифатида олинди, тўпланган ҳужжатлар чора кўриш учун ҳуқуқ тартибдор идораларига юборилди.
Аслида, фарзандларимизни тўғри йўлдан чапгитувчи ҳар қандай иллатга қарши кураш нафақат тегишли ташкилотларнинг, балки барчамизнинг умумий ишмин. Бу ўз навбатида маҳалла тизимида фаолият кўрсатаётганлар, профилактика инспектори ва посбонлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Зеро, ана шундай иллатларнинг туғилишига ҳам, томир отишига ҳам даставвал маҳалла-кўй, яъники жамият, жамоатнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги сабаб бўлмаяптимикин? Ахир бугун бизни тавашшига солаётган ўша қиморхоналару ёшларни камолот йўлидан адаштираётган ўйинхоналар пана-пасткамда, одам олиб етмас манзилларда эмас, айнан оёзи биз яшаётган маҳаллаларда, ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда "фаолият юриятти". Одамлар гавжум жойларда тикилган пул эвазига қарта айлантравётган қаллоблар "иш"ини бирорта тартиб посбони илгамайтандир-да, десак қаттиқ янглишига ҳам, бу ўринда энг муҳим ва самарали чора жамоатчиликнинг ҳушёрлигини оширишдир. Бунинг учун эса маҳалла ҳудудида рўй бераётган ҳар қандай воқеа барчамизнинг сергақ назаримиздан четда қолмаслиги лозим.
Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ, "Mahalla" мухбири.

Бугуннинг овриқли нуқтаси

Қарши шаҳридаги маҳалла оқсоқолларнинг бирига мактаб маъмуриятидан шикоят хати келди. Уда маҳалла ҳудудида жойлашган компьютерхоналар фаолияти ўқув-тарбия ишларига салбий таъсир кўрсатаётгани тавеши билан баён этилган эди. Хат юзасидан ўтказилган текширувлар чоғида мавжуд компьютерхоналар маҳсуе рухсатномасиз, солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтмай туриб ноқонуний фаолият кўрсатаётгани маълум бўлди. Сир эмас, бугун ёшларимиз орасида компьютер ўйинларига муккасидан кетиб, кунда-шунда бўладиган болалар ва ўсмирлар кўп учрайди. Уларнинг мактабга бориш, дарс тайёрлаш ўрнига компьютерхонага ошқиқши, вақти ва пулини беҳудага соверуши ҳар биримизда жиддий тавеши табиий. Афсуски, ушбу ҳолат мактабда ўзлаштириш даражаси ва давоматнинг кескин пасайишига ҳам олиб келади. Боз устига, компьютер ўйинларига қизиқиш касаллиги катта ёшдагиларни ҳам четлаб ўтмаяпти.


Ахборотни тезкор узатиш ва олишда, турли соҳаддаги ишларни осон, аниқ, қамарж ва сифатли бажаришда компьютернинг аҳамияти беқиссиз. Ҳозирги пайтда компьютер савоҳдонлиги замондошларимиз учун заруратга айланди. Лекин ҳар қандай техникадан ҳам тўғри фойдаланишига, унинг самараси кўнглингиздек бўлади. Масалан, интернетнинг афзаллигини инкор этмаган ҳолда у орқали миллионлашган маълумотга ёт бўлган, ёшлар тарбияси учун зарарли маълумот, ўйин ва фильмлар ҳам кириб келаятганидан кўз юмолмаймиз. Денглири барча компьютер ўйинхоналарига хос бўлган носоғлом муҳит киши дикватини жалб этади: барча жойлар банд, хатто бир неча ўсмир ёшлар наббат кутиб туришадилар; ҳаво тамаки тутунидан оғирлашган, ўйинлардаги қимқимс мусиқа, даҳшатли кичкирчиқлар қулқончи қоматга келтиради. Болалар қатта ёшли ишқибозларнинг оғзидан чиқаятган беҳаё ва ҳақоратли сўзларга беихтиёр кулоқ тутишадилар. Ташриф буюрувнинг неча ёшда эканлиги ва қайси ўйинни ўйнаб, қандай фильм томоша қилаётгани эса чўнтагини қалпай-

ҚИМОРБОЗЛИК ЎЧОҒИ ҚАЕРДА?

ёхуд маънавиятимиз ва ёшлар тарбиясига салбий таъсир этаётган иллатлар

тиришдан ўзга мудоаиси бўлмаган компьютерхона эгасини заррача бўйсин қизиктириши дарғумон.
Яна бир жиддий муаммо. Бугунги кунда қимор ўйинларининг тури шунчаллик кўпайдики, санаб адоғига етиш қийин. Қиморбозлар асосан одам гавжум жойларни — шоҳбекат, ҳосонда, бозор ва унинг атрофларини танлашади. Урчи келганда яқинда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани келтирсам. Қарши шаҳрининг Фуркат кўчасидаги бозорда "Қизилнинг топсанг, ютасан...!" деб ишонувчан кишиларни ўйинга чорлаётган қиморбозларнинг қўли-қўлига теғмай жаврайдилар. Икки томонда икки гушафта "бос-бос, албатта, ютук сен томонда", деб ўйинга даъват этади. Дастлабки бир-икки ўйинда ютказиб, кишини қизиктириб олган найрангбозлар кейин бечоранинг бозор-ўнор учун олиб чиққан сўнгги пулигача шилби олишади.
Онасини бир амаллаб қўнғирдан 16-17 ёшлардаги ўспирин ҳам 10 миң сўм пул тикиб, шунча пул ютиб олди. На ҳайрон бўлишни, на қувонишни билмай турган она ҳам "ноумид шайтон", деган-

ташкил этиш ва ўтказиш билан боглик ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори халқимизни, айниқса, ёшларимизни чапгитувчи ноҳуш ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.
Қарордан кўзда тутилган асосий мақсад бу соҳаддаги фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиш, аҳолини қиморбозликнинг оқибатлари ва унинг қучур илдири олишидан оғоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикасини Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Молия вазирлиги ва Бош прокуратура органлари зиммасига яширин қимор ўйинларининг олдини олиш, шунингдек, вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аҳоли, айниқса, ўспирлар ва ёшлар ўртасида қимор ўйинларини ташкил этиш, ўтказишининг салбий оқибатлари бўйича тарбиявий-тушунтириш, тарғибот ишларини қўнатириш вазифаси юклатилган.
Мазкур қарордан сўнг вилоятда жами 69 марта рейд теқширувлари ўтказилиб, 78 та қўнубузуқчи ҳолатлари аниқланди. Шундан 46 ҳолат бўйича фуқароларга нисбатан тегишли тартибда маъмурий жарималар қўлланди.
Қонунга зид ҳолда лотерея, биллиард ва компьютер ўйинлари ташкил этиб келган Шайхрсабз шаҳри Сариевнинг кўчаси 164-уйда яшовчи З.Қаландаров, Қасби тумани Каттагон қишлоғида истиқомат қилувчи Ш.Баҳоров, Китоб тумани



Тахририят почта кутиси кунда-кунора муштарийларимиздан келган номаларга тўлиб туради. Улар мазмунан турлича: бирида меҳр изхори, бошқасида мадад сўралган, яна бирида арзиди хол... Бу турфа мактублар тахририят ижодий жамоаси фаолиятининг энг муҳим саналган жиҳати, яъни нашримиз ўз муштарийлари қалбиди, шурида акс-садо бераётганини далиллайди. Азиз муштарий, "Mahalla"га кўнглингизни очинг. Мактубларингизга мудом мушукмиз.

## “УКРАЧГА КЕЛГАН КУНИМОҚ МЕХР ҚҲЙГАНМАН”,

Самарқанд вилояти

— дейди маҳалламизнинг латвиялик келини

...Бундан 22 йил аввал ҳамқишлоғимиз Фаттоҳқул Обилов латвиялик Светлана Соловьёва билан бир-бирига кўнгли кўйиб, турмуш қуришганди. Қишлоғимизга келин бўлиб келганида Светланахон ўн саккиз ёшда эди. Қишлоқчилик деганларидек, икки ёшини тақдир чин эканига шубҳа билан қараганлар, “Бу келин қишлоқ шароитида чидамайди, кетиб қолади”, дегувчилар ҳам бўлди ўша пайтда. Буни қарангки, орадан йиллар ўтиб, бу оила маҳалламизнинг ибратли оилаларидан бирига айланди, икки нафар фарзанди — Темур ва Рустамни ақлл-хушли қилиб тарбиялаб, эл қаторига қўшишди.

Светланахон ўзбек тилида раво сўзлайди, урф-одатларимизни яхши билади ва қадрлайди. Энг муҳими, у маҳалламиз хотин-қизлари ҳаётида ўз ўрнини топган — мўъжазгина сартарошхона очиб, маҳалладош аёлларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Ҳатто бизнинг Украин маҳалламизга қўшни Тароқли, Совгон маҳаллалари хотин-қизлари ҳам унинг мижозига айланишган.

— Инсоннинг нафақат ташқи кўриниши, балки ички дунёси ҳам гўзал бўлиши керак, — дейди мохир сартарошимиз. — Кўпинча қизларимиз билиб-билмай узун сочларини кестирмоқчи бўлишади. Шунда мен уларга урф, мода деган нарса тез узарувчан эканини, камтарлик ва дид инсоннинг чиройини бугунча урф бўлиб турган соч турмагидан кўра кўпроқ очишини, энг муҳими, пардозандознинг меъери ва ўз ўрни борлигини тушунтиришга ҳаракат қиламан. Маҳалламиз қизлари, аёлларнинг нафақат замонавий, балки нозик дидли бўлишларини истайман, чунки келган кунимданок бу қишлоққа ва баргирект инсонларига меҳр кўйганман.

Маҳалламизда тўй бўлса, келини албатта Светланахон пардозлантиради, бу ўзига хос анъанга айланган. Кичиклар уни “Света опамиз” дея, катталар эса исмини ўзбекчалаштириб “Ойдинхон” дея ҳурматлашади. Маърифий-тарбиявий тадбирларимизда, давра сўхбатларида ҳам у йиғинимизнинг бошқа ходимлари ва фаоллари қаторида ташкилотчилик қилади.



Мавлон ЭШОНҚУЛОВ.

Ургут тумани

Навоий вилояти

...Одатда бирон нашрга обуна бўлсак, йил давомида уни тахламга теккиб борамиз-да, келаси йилда бу тахламни чеккароққа олиб қўямиз. Лекин “Mahalla”нинг уч-тўрт йиллик тахламлари ҳамиша иш столимизда туради, чунки ўз ишимизда фойдаланамиз ундан. Бошқа жойларда ҳам шундай бўлса керак, ҳар ҳолда Нурота туманидаги бизнинг Турко маҳалласи идорасига кирган киши борки “Mahalla”ни бир варақламай, ўридан қўзғалмайди.

## БОЛАЛИҚДА УЙҒОНСА ТУЙҒУ...

у инсоннинг бир умрлик йўлдоши бўлади

Газетанинг апрель ойи сонларидан бирида чоп этилган “Зумраднинг дўпписи... у болақайларимиз учун қизил қалпоқчадан қадрироқ эмасми?” сарлавхали мақола мени ўйлантириб қўйди. Мақолада илгари сурилган фикрни ёқлар эканман, болалигимдаги бир воқеа ёдимга тушди. Етти-саккиз ёшли қизалоқ пайтим онам мени кўшни маҳалладаги Хўжамачит гузарига юмуш билан юбордилар. Гузар ёнидан ариқ оқарди. Уша ариқнинг бўйида чамаси 16-17 ёшли бир қизни кўрдим: бошига ироқи дўппи кийган, сочлари қирқоқил қилиб ўрилган, атлас кўйлак кийган бу қиз шу маҳаллалик Мунаввар опа эдилар. Болалик шууримда гўзаллик тимсоли эди у. Қалбимда унга ҳавас уйғонди, катта бўлсам, сочинми шундай ўриб, шундай либос кийишга аҳд қилдим...

Йиллар ўтди, Мунаввар опа ҳам фоний дунёдан ўтиб кетдилар. Лекин ҳар гал Хўжамачит гузари томон йўлим тушса, ярим аср илгариги манзара хотирамда гавдаланади.

Гўё ироқи дўппи кийган қирқ кокилли қиз кўхна ариқ ёнида пайдо бўлади...

Ҳа, беҳудуга донишмандлар болалиқда кўрганнинг бир умрлик, дейишмаган экан. Шу маънода, юқоридаги мақолада кўтарилган масала бутунги кун ёшлари тарбиясида жуда аҳамиятли. Тўғри, болақайларимиз, ёшларимиз кунда-кунора дўппию атлас кийиб юришсин, деёлмаймиз. Лекин уларнинг дид билан кийинишлари, миллий либосларимизни фарқлай билишлари, қолаверса, шундай гўзал миллий либосларимиз мавжудлиги билан фахрланишларини, ўрни келганда кўз-кўз қилиб кийиб, қадрлашларини истаймиз. Агар уларга ана шу туйғуларни болалиқдан сингиролсак, демак, бу туйғу бир умрлик йўлдошлари бўлади.

Саодат РАҲМАТОВА,  
Турко маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Сўхбатларда, давраларда ёшлар ҳақида гоҳо хушнуд, гоҳо андак гина билан айтилган гап-сўзларни эшитиб қоламиз. “Ёшларимиз енгил-елпи мусиқани эшитади, олди-қочди газетага журналларни ўқийди, фақат ур-йиқит жангари фильмларни кўради, очик-сочик кийинади...” ва ҳоказо. Бу таъналар ўринли, лекин... Бу борада мени бошқа бир савол ўйлантиради: “Хўш, биз катталар, яъни ҳаётнинг паст-баландини кўриб, оку қорасини таниб улгурган биз ўзимиз қайси жиҳатимиз билан ёшларга ўрнак бўлгуликмиз?” Енгил-елпи мусиқа, кўшиқлар ихроҷисию тингловчиси фақат ёшларми? Афсуски, йўқ!

“Юзим ундок, кўзим мундоқ, қошим маъна шундоқ”, — дея танасини кўз-кўз қилиб таърифлаётган аёл хонандаларимизнинг кўпчилиги набирали бўлиб, буви мақомига аллақачон етиб қўйганлар. “Санга ман ўлай, хитча белингга бойланай, сандан айланай” қабилда вайсаб сакраётган эркек хонандаларимиз ҳам кампада қирқ ёшга кўйиб ўтишган. Суриштирилса, кўнглидошлар нашрларига бемани, ҳаёбиз “булган воқеа”ларнинг ихкордорлари ҳам кап-катта одамлар экани маълум бўлади.

Биз, катталарни аксарият ҳолда ёшлар қай аҳволда кўришадиган? Жиддий бирон асарини мутулола қилиб турган ҳолатда эмас, тамаканин бурқитиб, сканворд жумбонг устида бош қашлаб турган ҳолатда. Музей, кўргазмага бориш қадда, ахир аёл-эркак аралаш ўтадиган “гап-гапашка”дан бўшамизми-ку! Давраларда мудом ёйибат, “миш-миш”, тирикчилик, маблағ муаммосидан мажлис курамиз. Дам олиш кўни бозордан қандай қийинлик сотиб олгани ҳақида эмас, яқинда ўқиган бадий асарни

## ТАЛАБЧАН БҲЛА ОЛСАК...

аввало ўзимизга талабчан бўлайлик!

ҳақида сўхбатлашаётган юзги қўшни аёлни қим кўрган? Еки семимли касби, илм-фан, мумтоз кўшиқлари кинофильмлар ҳақида фарзандларига завқ билан сўзлаётган ота ёки онаничи? Тўғри, рўзгор ташвишлари ҳар биримизнинг гарданимизда бор, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида моддий манфаатдан ҳам юз ўтира олмаймиз. Қолаверса, биз катталарнинг моддий манфаат илтиҳида елиб-югуришимиз ҳам фарзандларимизнинг муносиб тарбия, билим олишга шароит яратиб учун. Тўғри ҳаёт ўзининг на кўзининг тўқ тутади, дейишади. Лекин моддий тўқилдик учун бошқа жиҳатлардан кўз юмийшимиз хато экани аниқ.

Уз турниш-турмушимиз, ботиний ва зоҳирий қиёфамиз билан ёшларимиз қалбиде ўзимизга нисбатан ҳавас уйғота оламизми? Ахир ҳар бир янги алоқиниқ илтиҳи унинг ажлойдир. Ана шу илтиҳдан у озқиланади, камолга етади. Биз катталар ёшларининг олдида маънавий масъулликнинг борлигини тан олшинимиз, бизнинг ҳуққ-атворимиз, муомаламиз, ҳаёт йўлимиз фарзандларимиз учун маёқ вазифасини ўташи сабабли аввало ўзимизга хушёр бўлишимиз лозим.

Йиғирма йиллар олдин 20 ёшта кирса-да, ота-онасига боқиманда, “нима эҳтиёжим бўлса, ота-онам қилиб беради”, дейдиган ёшлар нисбатан кўпроқ эди. Бугуннинг ёшлари жула-жула ғар. Улар ўз манфаатини ҳам унутмайди. Бу ҳам бир жиҳатдан тўғри бўлса керак. Ўз

қадрини билган ўзганинг ҳам қадрини билади. Уларнинг кийиниши, орзу-ҳаваси, қизиқиши гоҳо бизга ғайриоддий туюлиши мумкин. Лекин ана шу шайхлик пардаси ортида қандайдир ҳавас, ўқинч йўқмикан? Биз ҳам шивирлаб “Эҳ ёшларимиз қайтиб келсайди!” демаймизми?

Атрофимизга теран нигоҳ билан қарайлик: қўлдан китоб тушмайди-дими, кўнгил билан турли хоржий тилларни ўрганаётган, техника билан тиллашаётган, илму салоҳияти, ақлу заковати билан ҳаётга чет элдик олимларнинг ҳам ҳайратга солаётган минглаб ёшларимиз бор. Мумтоз кўшиқлар қуйланаётганда кўзада ёш билан Фузудий, Навоий, Нодирабегим, Оғаҳий, Муқимий ва Фурқат гавалларини ед айтиб қўшиқларга жўр бўлаётган йиғит-қизларини кўргангиде, адабиёт гулшанига эндигина қадам қўйган ёш ижодкорларнинг теран мушоҳадани, бадий баркамол асарларини ўқиганини да фахрланиб, гурурланиб кетасан, киши.

Ёшлар бизнинг келажигимиз. Биз эса уларнинг бугунги кўни учун масъулмиз. Талабчан бўла олесак, аввало ўзимизга, сўнгра ёшларимизга талабчан бўлайлик.

Момоҳол ЭЛМУРОДОВА,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси аъзоси.

Қамаши тумани

## МАРЖОНДЕК ТЕРИЛГАН СЎЗЛАР...

инсонни фикрлашга ундайди

Ассалому алайкум, “Mahalla” газетаси тахририяти ижодий ходимлари. Бу оловли дунёнинг қайноқ саҳифаларини варақлаб чарчамаяписларми?

Аввало сизларга оила аъзоларим номидан алангани, меҳрли салом йўллайман. Чунки ушбу газета нафақат менинг, балки оила аъзоларимнинг ҳам сеvimли наشري. Бу нашр бугунги кунда юртимиздаги маҳаллаларнинг кўзунга айланган. Эшигимни қоқиб, газетани келтиришларини интиқлик билан кутаман. Қизиқарли ёзилган, сўзлари маржондек терилган, кишини фикрлашга ундайдиган мақолаларни қизикиб ўқийман.

Маҳаллалар ҳаёти эгган, инсоний фазилатлар улуғланган мақолаларни ёритиб, маърифат йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларингизга барака тилайман. Муштарий сифатидаги тақлим эса, ҳуқуқий мавзудаги таҳлилий мақолалар кўпроқ чоп этилса...

Анджон вилояти

Умаржон АБДУЛЛАЕВ,  
Асака туманидаги Янгисор маҳалласи фаоли.

## БУХОРОМ...

Бухором, бебахо, ажиб маввасан,  
Уммонга қуйилган азим дарёсан,  
Бағринида улайиб, йўқдир армоним,  
Мен учун дунёлар ичра дунёсан,  
Қалбимдан жой олган меҳригисан.

Дунё оқиб келар ҳар кун пойинига,  
Табарруқ туяроғим, саждасоҳинига.  
Боқиб ҳеч тўймаман гул чиройинига,  
Шунчалар гўзалсан, шунча зебосан,  
Дилларни ром этган охирабосан!

Туташдир илтиҳам чинорларингга,  
Нақшикор гўлбазу минорларингга,  
“Дил ба ёру, даст ба кор!” шииорларингга.  
Не-не буюк зотлар ўтган заминсан,  
Мозийдан таралган нури-зиёсан.

Ҳамроқул НАЗАРОВ, пенсионер.

Бухоро шаҳри

Тошкент вилояти

## МАСЛАҲАТЧИГА МАДАДКОР

Қалбимдаги яхши ниятлар,  
Ҳам эзгу тилаклар сизгадир бари.  
Ғайратингиз жўш ураверсин,  
“Mahalla”нинг ижодкорлари!

Мен Сапура Абдусўтов, “Mahalla”нинг янги йўл-лик муҳлиси бўлман. Қўшғоч қишлоқ фуқаролар йиғини худудидеги Байтнх маҳалласида уч йилдан буён диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлаб келмоқдаман. Маҳалламизнинг барча фаол аёллари билан “Mahalla”нинг ҳар бир сонини қанда қилмай ўқиймиз, муҳожима қиламиз. Бу нашрга уч йилдан буён мунтазам обуна бўлиб келамиз. Ўз фаолиятимда газета саҳифаларидаги мақолалардан фойдаланган, намунали маслаҳатчилар тажрибасидан ибрат олган пайтларим кўп бўлади. Маслоҳатчи фаолиятида диний маърифат, ҳуқуқ, ижтимоий ҳаёт борасидаги билимлардан ташқари, ҳаётий тажриба, инсон қалбини ҳис этиш қобилияти ҳам жуда керак экан. Бу вазифининг мазмун-моҳиятини англашимизда биз маслаҳатчиларга сеvimли на-ширимизнинг кўмаги катта бўлмоқда.

Газетадаги “Маслаҳатчи маслаҳатлар” руқни янада бойитилса, мақсадга мувофиқ булар эди.

## ШИКОЯТ ЭМАС, МУЛОҲАЗА

Тошкент шаҳри


Кейинги йилларда мамлакатимизда турар-жойлардан фойдаланиш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Ай-ниқса, кўп қаватли уйлларда хуСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛКОДЛАРИ ШИРКАТЛАРИНИ ТАШИКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ЮЗАСИДАН ҲУҚУҚИЙ-МЕЎБЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИ АЙНИ МУДДОА БҮЛДИ.

Хозир кўп қаватли уйллардан ташкил топган барча маҳаллаларда бир нечталаб шундай ширкатлар ишламоқда. Лекин ҳамма жойда ҳам уларнинг фаолияти қониқарли деб бўлмайди. Масалан, ҳар бир ширкатнинг бошқарув гуруҳи ва тағтиш ҳайъати жорий йил туғагач, 60 кун ичида ширкатга аъзо мулкдорлар олдида бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот бериши керак. Айрим жойларда ана шу тартибга риоя қилинмай, ҳисобот турли баҳоналар билан кечиктириб келинмоқда. Қолаверса, ширкатлар фаолиятида ўз ечимини қутаётган бошқа муаммолар ҳам йўқ эмас.

Менинг бу мувожаатим шикоят эмас, бир мулоҳаза холос. Агар “Mahalla” саҳифаларида ширкатлар фаолиятига оид ибратли, таҳлилий ва танқидий мақолаларга кўпроқ ўрин берилса, бу билан ширкатлар фаолиятида ижобий силжишларга туртки бўлиши, масъул ходимларнинг ўзаро тажриба алмашиши, ютуқ ва камчиликларини ўртоқлашиши учун яхши имконият яратилган бўлар эди. Чунки, менинг билишимча, аксарият ширкатлар бу нашрга обуна бўлишган. Демак, ўз фаолиятларида доир мақолалардан албатта беҳабар қолишмайди.

Ғайрат ЭМИНЖОНОВ.

Серегели туманидаги Оқибат маҳалласи фаоли.



## УЧ ҚАЛИН ДЎСТ

Сурат муаллифи О.АБДУСАЛОМОВ

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ БИЗНИНГ “МОҲИР ҚЎЛЛАРИМИЗ”НИ БИР КЎРИНГ!

Ҳурматли тахририят ходимлари! Бу мактубни рус тилида ёзмоқдаман. Аслида ўзбек тилида ўқий оламан, сўзлашмаман ҳам, лекин ёшларимизга ўзлаштираганимча йўқ.

Маълумотнома олиш учун маҳалла идорасига чиққанмида идораданга етолди “Mahalla” газетасининг тахминини кўриб қолишим ва котибининг руҳини билан газетанинг биринчи сонини ўқиб чиқдим. Менда сизларга мувожаат қилиш истаги тузилди. Сабаби, маҳалламизда кўнлаб маърифий-маданият тадбирлар ўтказилди, намунали ишларимиз ҳам амалга келди. Хуллас, исми жаминга монанд деганларидек, бизнинг Шўхрат номи маҳалламиз Собир Раҳимов туманининг энг илгор йиғинлардан бири ҳисобланади.

Масалан, ақинда маҳалламиз болалари учун “Моҳир қўллар” деб номланган кўргазма ўтказилди. Қирқ нафардан ортук болалар ўз моҳирликларини, иқтидорларини намойиш этидилар. Маҳалламиз болалари чизган расмларни, ўз қўллари билан ясаган ўйинчоқларини, со-ва оғданларидаги кўнвончини бир кўрсангиз эди! Улар-нинг кўриб ҳатто биз катталарнинг завқимиз келди. Ушбу тадбир йиғин ходимлари томонидан аъло даражада ташкил этилди ва ўтказилди, ягона камчилик бу тадбирнинг ҳеч яна бир оммавий ахборот воситасида ёритилмагани бўлди, менимча.

Мана, маҳалламизда 1 июнда нишонланганидан Халқаро болаларни ҳўмон қилиш кўнига бағишлаб ана бир байрам тадбири режалаштирилмоқда. Ушбу байрам тадбирида ўйлаб-қунайилган болақайларимизнинг бахтли қиёфаларини газетангиз саҳифаларида кўришни истаймиз.

РОЗАНИЯ

Саҳифани Мавлуда ҚОСИМОВА тайёрлади.

Сурани, жавоб берамиз!

## Савол: ЭНДИ КОТИБ ЭМАСМАНМИ?..

Деҳқонobod туманида-ги Чалика маҳалласи фуқаролар йиғинида 2006 йил 19 май кўни булган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва маслаҳатчилари сайловида мен вакиллар томонидан очик овоз бериш йўли билан йиғин масъул котиблига сайландим. 2007 йил январь ойида йиғинимиз раиси Тўхтамурод Намозов йиғин кенгашини чақирмай туриб, қолаверса, менинг ўз ваколатимдаги вазифани баҳармўлгангани хуСУСИДА бирон асос бўлмаган ҳолда илгари йиғин масъул котиби бўлиб ишлаган ва ишлаб турган даврида туғруқ таътилга (айни кунда фарзанди 1 ёшга тулган) чиққан яқин қариндоши Намозова Балхини йиғин масъул котиби этиб тайинлади. Бу ўринда кўнвон бузилиши ҳолати содир этилган эмасми?

Абдуҳоллик ЖўРАЕВ,  
Қашқадарё вилояти

Жавоб:  
...ВАКОЛАТ МУДДАТИ ТУГАГУНИЧА СИЗ КОТИБСИЗ!



Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни-нинг 13-моддасида йиғин раиси ўз маслаҳатчилари, маъмурий комиссия раислари ва аъзолари ҳамда масъул котиби номзодини сайлаш учун фуқаролар йиғини кенгашига тақдим этиши белгиланган бўлиши керак. Қонун ҳужжатларида мувофиқ, масъул котиб йиғин кенгаши ёки вакиллар кенгаши томонидан 2,5 йил муддатга сайланади ва ана шу муддат тугамагунча ўз вазифасида ваколатли ҳисобланади. Сиз баёи этган ҳолатда собиқ котиб Намозова Балхининг котиблик вазифасидаги ваколат муддати тугаб кетгани ва бу лавозимга бошқа шахс сайлангани важадан котибликка тикланиши қонунга зиддир.

## Навоий вилояти ГЎЗАЛ СОБДА МЕҲНАТСЕВАР ЁШЛАР БОР...

жумладан, уларнинг вақтини мазмунли ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ҳам!


...Бир гўзал маскан бор. Тоғлар бағридан жой олган, тоза ҳавоси танга малҳам бўладиан, чашма сувлари жўш уриб туради Соб деб аталувчи бу маскан менинг маҳалламиз. Маҳалламиз одамлари софқўнгал, содда. Лекин...

Кейинги йилларда маҳалламизда бирон янгилик юз бергани йўқ. Ваҳоланки, чекка ҳудудларга ҳос бўлган муаммолардан маҳалламиз ҳам ҳол эмас. Масалан, тиббий хизмат кўрсатадиган маскан йўқлиги боис биров бегоб бўлса, туман касалхонаси-га боришга мажбур. Ана бир муҳим масала — фарзандларимиз билим оладиган мактаб биносининг ўта таъмирталлабни. Ёшлар учун на стадион, на спортзал, на бирон касб-ҳўнар ўргатадиган маскан бор. Менинг учун фарзандим бор, уларнинг оқид, баркамол инсон, бирор ҳўнар эгаси бўлиб улайиш-ини истайман. Буни қайси ота-она истамайди, дейсиз? Айниқса, газеталар, телевизио орқали юртимизда ёшлар тарбиясига юксак эътибор берил-ётгани, шароитлар яратилганини кўриб туриб, ўйланиб қоламан: бизнинг гўзал табиятли маҳалламизда шундай яхши ишларнинг ташаббускорни ким бўларкин? Мен биринчи айблмоқчи эмасман, балки биз катталар рўзгор ташвишларидан ортук, маҳалламиз, ёшларимиз тақдирга эътиборроқ бўлишимиз лозим, демоқчиман. Соблик ёшлар жулда меҳнатсевар, биронтасининг бекор санлиб юрганини кўрмаганман. Киндик қонингизни маканга, она Ватанимизга меҳри қийноқини уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан сезилиб туради. Агар ибратли маҳалларда бўлгани қабил шарт-шароитлар яратил-са, уларнинг орасидан ҳам иқтидорли олимлар машҳур спортчилар етишиб чиқиниши ишонман. Шунда маҳалламизнинг нафақат табиий гўзаллиги билан, балки иқтидорли, салоҳиятли ёшлари билан ҳам фахрланиб юрар эдик.

Малоҳат БОБОКАЛОНОВА,  
Нурота туманидаги Қосим қишлоғи

Жиззах вилояти

Юртимизда ҳар бир воҳанинг ўзигагина хос бўлган, меҳмонларга кўз-кўз қилгулик тансиқ таоми, егулиги, меваси кизавори бор. Қизиқ, худди шундай таом ёхуд мевани бошқа жойда тановуъл қилса, ўша маза, таъмини ҳис этмайди, киши.



Жиззахга йўли тушган киши ҳар донаси кафтга сиймайдиған тандир сомсадан тановуъл қилмай кетмас керак. Ундан тотиб кўрган эса қаеғра борса «жиззахча сомса»ни таърифлаб юриши ҳам аник: «Ох, бу сомсани емабдиз, дунёга келмасдиз, оғзингизда эрийди-я. Шундай ширин егуликини пиширганнинг қўли дард кўрмасин-да!»

Жиззах шаҳридаги Қитъок маҳалласида ўн икки йилдан бўён махсус сомсахона ишлайдир. Сомсапозларнинг довуруқи узокларга етган. Улар сомса тайёрлаш усулига, ўловларига катъий риоя қилишади — ҳар бир сомсага аник 125 грамм гўшт-ёғ солинади. Жиззахча меҳмон бўлгувчилар сомса ейиш баҳонасида маҳалланинг обод қиёфасидан ҳам завқланиб қайтадилар.

СУРАТДА: қитъоклик моҳир сомсапоз-ошпаз.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

### Халқ амалии санъати тарихиган

# САМАРҚАНДА САЙКАЛ ТОПГАН БУЮМЛАР

Жаҳоннинг Афина, Рим, Бобил сингари тамаддун ўчоқлари ҳисобланган қадимий шаҳарлари қаторида эътироф этилувчи Самарқанд ҳам кўп асрлик тарихга эга. Унинг тарихи, айниқса, шаҳарда хунармандчилик ва савдонинг қадимдан тараққий этиб келганиги билан узвий боғлиқдир.

Самарқандлик заргар ва мисгарлар ишлаган жимжимдор буюмлар, шохию атлас ҳамда сифатли қоғоз ўрта асрлардаёқ Шарқда маълум ва машҳур бўлган. Шу боис бу даврда Самарқанд хунармандчилиги, савдо, фан ва маданиятнинг марказига айланди.

Амир Темури ўз ҳукмдорлиги даврида (1370-1405 йиллар) Самарқандни жаҳоннинг йирик савдо ва хунармандчилик марказига айлантириш мақсадида катта тadbирларни амалга оширди. У бинокорлик, кулолчилик, темирчилик, заргарлик, мисгарлик ва қоғоз ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта эътибор берди. Амир Темури хунармандларни қайси хунар билан шуғулланишига қараб аллоҳида гузарларга жойлаштириб, янги бозор рассталар, савдо дўконлари барпо эттирди. Бу дўконлар Бибиҳоним масжидидан тортиб то Шердор мадрасасига қадар чўзилган бўлиб, йўлниң икки томонини банд қилар эди. Дўконларда савдо кеча-кўнунда қизғин давом этиб, у ердан шойи, атлас, баҳмал, заргарлик, зардўзлик, кулолчилик ва бошқа исталган хунармандчилик буюмларини сотиб олиш мумкин эди.

1404 йилда Амир Темури саройига келган Испания элчиси Ганзалес де Клавихо Самарқанд бозор ва дўконларидаги махсулотлар, бугўд ва гуручнинг жуда кўп ва арзонлиги хусусида гапириб, шаҳар хунармандчилиги-

га оид махсулотларини санаб кўрсади: «Самарқанднинг бойлиги галладагина эмас, балки бу ерда ипак матолар, атлас, шойи, мўйна ва ипак астарликлар, ёғ упалари, зирворлар, турли тўқимачилик матолари, нақшли олтин идишлар, зарранг ва хаворанг буюқлар ҳамда бошқа буюмлар ҳам қўлгаб ишлаб чиқарилади». Сохибқирон бу даврда кўшни Эрон, Ҳиндистон, Россия, Сибир ва Ҳитой билан савдо-сотик ишларини юргизганлиги, бу мамлакатларнинг бозорларига самарқандлик хунармандлар яратган сифатли буюмларни чиқариб, катта шўхрат қозонганлиги тарихий ҳужжатлардан маълум. Бу даврда тошга, ёғоч ва металлга беэак бериш санъати мисли қўрилмаган даражада ривож топди. Испания элчиси Клавихонинг ёзувиша, у Темурининг кўчма ўтовларидан бири гўмбазида қумушдан ишланби, тилла ҳал берилган бургут ҳайкалчасини, ундан пастроқда эса уч томонда учта лочин ҳайкалчасини кўрган экан. Металлга бадийи беэак бериб ишланган буюмлардан айримлари — Аҳмад Ясавий макбараси ашиғидаги халқа, шу макбарадаги дошқозон, шамдон ва шунга ўхшаш бошқа нарсалар бизгача сақланиб қолган. Қадимшунс олимлари-миз Самарқанд Шахристони Жоме масжиди харобаларидан юксак дид билан ясалган нақшли қумуш камар топишган.

Самарқандлик заргарлар ясаган



билакузук, узук, сирға, тиллақош, зирак, зебиғардон, тиллакамар ва бошқа қўлгина беэак-зийнат буюмлари тилла ва қумушдан ишланган. Уларга жавоир, ёқут, лаъл забаржад каби қимматбаҳо ва нодир тошлар қадалган.

Самарқанд кулоллари ишланган сопол лаган, коса, пиёла, кўза ва бошқа буюмлар ниҳоятда нозик ва енгиллиги, гулларининг бежиримлиги билан диққатга сазовордир.

XV асрда шишасозлик ҳам анча тараққий қилган. Самарқандда ҳатто шишасозлар маҳалласи бўлган. Манбаларда қайд этилишича, шишадан турли шаклдаги идишлар — кўзача, қадаҳ, сиёҳон, доридон, сурмадон ҳамда бошқа турли рўзғор буюмлари ясалган.



Самарқанд Чорсу бозори тевараги мисгарлик, мисгарлик, кулолчилик, сангтарошлик, махсидўзлик, нажжорлик, саҳоблик, заргарлик каби дўконлар билан ўралган эди.

XVIII-XIX асрларга келиб, Самарқандда хунармандчиликнинг тури 61 тагача кўнарган. 1868 йилнинг ўрталарида шаҳар ва унинг атрофида икки ярим мингдан ортиқ хунармандчилик марказлари фаолият кўрсатган. Жумладан, 830 та тўқувчилик, 32 та шойи ишлаб чиқарадиган, 42 та буюқчилик, 164 та этикдўзлик, 63 та тўқимдўзлик, 90 та эгар-созлик, 57 та кулолчилик, 37 та заргарлик, 31 та мисгарлик, 29 та кўнчилик устхоналари ишланганлиги архив материалларида қайд этилган.

XIX асрнинг 80-90 йилларидан бошлаб Самарқанд хунармандлари ишлаб чиқарган сифатли махсулотлар ташиқ бозорларда, халқро кўргазма ва ярмаркаларда юқори баҳолана бошлади. Айниқса, атлас, шойи, беқасам, заргарлик ва мисгарлик буюмлари 1878-1886 йиллар Туркистон ўлкаси (Тошкент), 1887 йил Харьков, 1889 йил Париж, 1896 йил Новгород, 1913 йил Петербург шаҳарларида ташкил этилган кўргазмаларда тақдирланди.

Шу кўнларда Самарқанд амалии санъат усталари замин сайкали ҳисобланган шаҳарнинг 2750 йиллик юбилейига совға-боп буюмлар тайёрлаш билан банд.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

## ЗИЁ УЛАШАЁТГАН ХОНАДОН

### Наманган вилояти

Наманган туманидаги Шўркўрган маҳалласида яшовчи Тухтахон Раҳимованинг хонадонини ҳамиша гавжам. Чунки бу хонадонда фаолият кўрсатаётган кутубхона ва музейнинг довуруқи бутун воҳийга тарқалган. Дастлаб шахсий китоблари тўпламидан кутубхона ташкил этган Тухтахон ая кейинчалик унинг ёнида мўъжазгина музей барпо қилди.

Бугунги кунга келиб эса аянинг кутубхонасида олти мингдан ортиқ илмий, сиёсий ва бадийи китоблар мажмуа. Яқинда кутубхона 500 минг сўмлик янги нашрлар билан бойитилди. Музейдан эса ўлкамиз тарихидан ҳикоя қилувчи ноёб экспонатлар, қадимий уй-рўзғор буюмлари жой олган.

— Ортбошимизнинг «Миллий гоа тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори мени шу ишга даъват этди, — дейди Тухтахон Раҳимов. — Бу йил «Маънавийат ва маърифат» хонасини ҳам ташкил этдик. Ундаги кўргазмаларда Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида эришган ютуқларини ёритишга кўпроқ аҳамият қаратганмиз. Мақсадимиз — халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавийтини юксалтириш, дунёқарабини кенгайтириш. Шундай олижаноб ишга оз бўлса-да ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Содиқ САЙХУН, «Mahalla» муҳбири.

## Тўй олгудан тўй

юртимиз таниқли санъаткорларининг Самарқанд заминига ташрифини ана шундай эътироф этиш мумкин

«Ўзбекино» миллий агентлиги ва Самарқанд вилояти ҳоқимлиги ташаббуси билан вилоятда Самарқанд шахрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган «Ўзбек миллий кино санъати ҳафталиги» бўлиб ўтди.

Самарқанд темир йўл вокзалида ҳоқимлик вакиллари, кенг жамоатчилик томонидан тантанали кўтиб олинган таниқли, халқимизнинг севимили актёр ва актрисалари, кинорежиссёр ва кинооператорлари самарқандликлар билан учрашувни Самарқанд Давлат университетини бошлашди. Бу ерда халқ артистлари, таниқли киноижодкорлар йигил-

ганларга ўзбек миллий киносининг тарихи ва бугунги, янги олинаётган кинофильмлар мундариҳаси ва гоеси хусусида батафсил сўзлаб беришди.

Самарқанд Иқтисодий ва сервис институти қошидаги 1-сон академик лицейида ўтказилган учрашув ҳам шундай кўтаринки рўзда якулланади.

### Самарқанд вилояти

— Халқимиз киносевар, айниқса, самарқандликлар, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, кинорежиссёр Шўхрат Аббосов. — Мен ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ бунга гувоҳ бўлганман. Ушунда «Оловий йўллар» кинофильмининг олиш учун бу ерга келгандик. Бошқа жойлардагидан фарқли уларок, Самарқанд аҳолиси айрим калдарни олиш учун уйларини-да бўшатиб беришган, оммавий кўрнинишларда эса сиқидидан рол ижро этишганди.

Ана шундай мароқли учрашувлар, дилдан суҳбатлар шаҳардаги бир неча маҳаллаларда, чекка туман қишлоқларида ҳам бўлиб ўтди. Бунда санъаткорлар маҳаллар ҳаёти билан яқиндан танишиб, янги кинофильмларини намойиш этишди.

Рустам ХАЙТОВ, «Mahalla» муҳбири.

### Тошкент шахри

## «ИНЖОБОД»ми ёхуд «ИНЖИҚОБОД»?

Истиқлол йилларида миллий қадриятларимиз қайта тикланиши муносабати билан юртимиздаги қатор кўчалар, унут бўлаётган жой номлари ҳам қайта тикланди. Уз навбатида, янги ташкил этилган маҳалла ва кўчаларга алоҳида аждодларимиз, атақли ватандашларимизнинг номлари берилмоқда.

Албатта, бу қувонарли ҳол. Аммо баъзи жойларини номлашда атаманинг келиб чиқиб тарихини билмаслик ва бошқа сабабларга кўра, уларнинг нотўғри ёки имло хатолари билан ёзилиши ҳоқларига ҳам гувоҳ бўлаёмиз.

Масалан, «Инжиқобод» деган ном пойтахтнинг Юнусобод тумани аҳлига яқин таниш. Утган асрнинг 30-йилларида Ўзбекистон Езувчилари уюшмасининг истироҳат ва ижод боғи Инжиқобод мазасида жойлашган эди. Ҳозир Фирдавсий номли маҳалладаги кўчалардан бири (эски «Мазурк» кўчаси) «Инжиқобод» деб юритилди. Аслида эса, бу атам «Инжиқобод» шаклида ёзилса, тўғри бўлади.

Яна бир мисол, маҳалламиз жойлашган ҳудуд олдин «Гир-гир тепа» деб номланган. Бунга сабаб, маҳалла иккита тепаликка жойлашган бўлиб, бу тепаликлар ўзра шамол гир-гир эсиб турган. Шу тариха «Гир-гир тепа» номи келиб чиққан. Эндиликда собиқ «Грузин» номли кўчага шу ном берилган. Лекин у «Гир-гир тепа» тарзида ёзилади. Бир қарашда товушга тақлид сўз асосида ясалган «Гир-гир тепа» билан тушунмовчилик оқибатида юзага келган «Гир-гир тепа» топоними ўртайда унчалик катта фарқ йўқдек кўринади. Аммо ушбу жой номининг келиб чиқиб тарихини ўртайда чоғида ёки топонимини тўғри тушуниш нукта назаридан бундай янглиш ҳолатлар қўллаб-қўлланмади.

Ақбар АЛИЕВ

### Топонимлар тарихини биласизми?

Когон туманининг Хўжа Яқшаба қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида Тўй йироқ маҳалласи жойлашган. Маҳалламизнинг бундай номланиши ажойиб тарихга эга.

## ТўЙ ЙИРОҚНИНГ ТАЪРИФИ

Тўй йироқ муқаддас қадимжо — Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳидан унча узок бўлмаган жойда жойлашган. Көксаларнинг айтишича, азалда маҳалламиз Ганжлик уй деб аталган. Бу ном қишлоқдаги бир қатор уйларга нисбатан айтилган экан. Қишлоқимизда Тўра оқсоқол деган сартораси яшаб ўтган. Сартораси қишлоқимиз тарихи ҳақида тўй-хашамларда одамларга ҳикоя қилиб беради. Ушунга ҳикояларга кўра, маҳалламизнинг номланишини қуйидаги воқеа билан боғлашади.

Қадимда қишлоқ марказида катта масжид бўлиб, бу ерда 50-60 киши бемалол намоз ўқиш имкониятига эга бўлган экан. Масжид ёнида меҳмонлар учун махсус хўра ва таҳоратхоналар мажмуа бўлганиги боис, қўллаб-намозхонлар шу ерда тунаб ҳам қолишди.

Қиш кўнларининг бирида масжидга Исмоил исмли авлиёсифат бир мусофир ташриф буюрибди ва қишлоқда меҳмон бўлиб қолибди. Меҳмон шу ерлик тақводор кишилар билан алламаҳалгача суҳбат қурибди. Мезбонлар уйларига тарқатган эса, камуйку Исмоил ота Курьон сураларидан тиловаг қилди, сўнг уйкуга кетибди. Уйкудан уйғониб қарасаки, ҳали ҳам тонг отмаган экан. У мезбонларни беэовта қилмаслик учун яна фойдали амаллар билан машғул бўлибди. Шунда ҳам тонг отмабди. Ортиқ тоқати қолмаган отахон оқсоқолини уйғотибди.

— Туринг, бўтам, менга таҳорат суви келтиринг, қишлоқининг туни йироқ экан. Мен Самарқандга боришим керак, — деб йўлга тушибди.

Меҳмон қайси бир қишлоққа бермасин, бу воқеа ҳақида айтиб юрар экан. Шу-шу одамлар маҳалламизнинг номини Тўй йироқ деб атайдиган бўлишибди...

### Халима ЁДГОРОВА, Когон туманидаги

Тўй йироқ маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Утеранный диплом № 908813 (регистра. 3367) выданный в 1987 г. на имя Колчиной Елены Федоровны Ташкентским институтом текстильной и легкой промышленности считать не действительным.

Утеранный диплом № 006487 выданный 30.06.1994 г. Ташкентским радио-техническим лицеем № 1 Юнус-Абадского района на имя Круть Дениса Юрьевича считать не действительным.

Юлдашева Дурдона Шўхратовна номига 1999 йил Тошкент ш., Миробод туманидаги 214-мактаб томонидан 9-синфни тammaланганлиги тўғрисида берилган О'Р-2-338696 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утеранное свидетельство 18.VII с. О'Р-EN № 039959 об образовании 9-классов выданное на имя Беноевзова Иван Ивановича школой № 35 М.Улубековского р-на считать не действительным.

Mahalla logo and address information.

Таҳрир хайъати: Анвар АХМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон КЎЧҚОВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фарруҳ БЎТАЕВ, (беш мухаддир ўринбосари), Мавлана ҚОСИМОВА, (маъсул котиб), Бақтиёр РИЗАЕВ, Шўхрат РИЗАЕВ, Бөхбўд ЖУМАЕВ.

### Диккат, танлов!

## «ЖАМИЯТ ВА МЕН»

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларида мамлакат ҳаётининг устивор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтириши журналистларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда босма ва интернет нашрларини жамият ҳаётида кечаятган жараёндаги тазоркор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ва ижодий фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида ўтказилаётган «Жамият ва Мен» танловини давом эттирилади.

### Танлов шартлари

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги илохотларнинг боришини, тибобият, таълим, кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Танловга шартли материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, 2 нускада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларида, «Жамият ва Мен» танловига» рўқнда 2006 йилнинг 1 сентябидан 2007 йилнинг 10 июнига қадар қўйилган бўлиши шарт.

Танлов ғолиблари «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни» байрами арафасида аниқланади ва тақдирланади.

Танловни ўтказиш тартиби Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етказиб журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли хайъат томонидан кўриб чиқилиши ва баҳоланади. Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом, рақамли фотоаппарат ва диктофон билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Жамият ва Мен» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йилнинг 15 июнига қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шахри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, www.mmf.uz, e-mail:mmf@uzrak.uz.

Мирзааҳмадов Шерзод Бахтибровичга 18-умий урта таълим мактаби томонидан 2005 йилда берилган О'Р-SH № 0203841 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утеранные первичные документы за 2004 г. принадлежющие ДХО «ЛОК ВО'УОО ВО'УООСНИ» считать не действительными.

Куй (21.03-21.04), Сигир (22.04-20.05), Эгизаклар (22.05-21.06), Кискичка (22.06-22.07), Паризод (23.08-22.09), Тароз (23.09-22.10), Чаян (23.10-22.11), Укотар (23.11-21.12), Тов Эчиси (22.12-19.01), Ковфа (20.01-18.02), Балик (19.02-20.03).